



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 31 май, № 111 (7069)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ «РОСАТОМ» ДАВЛАТ КОРПОРАЦИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган «Росатом» атом энергияси бўйича давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга, ўзаро манфаатли серкирра ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилаётган олий ва юқори даражадаги мулоқотлар мунтазамлик касб этганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи жадал ортиб бормоқда, биргаликда инвестиция, энергетика, саноат, транспорт ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда, изчил ҳудудларро мулоқот йўлга қўйилган, маданий-гуманитар алмашувлар фаоллашди.

Музокарада фан ва юқори технологиялар соҳасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, икки мамлакат илмий-тадқиқот институтлари ва инновация марказлари ўртасида, жумладан, ўтган йили имзоланган

Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим доирасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма дастур ва лойиҳалар доирасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

«Росатом» давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёв самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси раҳбариятининг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Россия мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида энергетика секторида кенг қўламли шериклик ва ўзаро фойдали илмий-технологик ҳамкорлигини янада ривожлантиришдан манфаатдорлиги ва бунга тайёрлиги алоҳида қайд этилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ИСТИҚБОЛЛИ БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ТАНЛАБ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўтган давр мобайнида давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳаларда бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, юқори малакали бошқарув кадрлари захирасини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фаолияти ислоҳ қилинди, шунингдек, Академия ҳузурида мамлакатимизнинг истиқболли ёш мутахассисларини қайта тайёрлайдиган ва малакасини оширадиган Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимиятини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар

юқори малакали бошқарув кадрларини танлаб олиш ва тайёрлаш, уларнинг захирасини шакллантириш тизимини, жумладан, бу борада замонавий ёндашуви ишлаб чиқиш орқали такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Истиқболли бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) тизимида уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга қўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва “Буюк келажак” халқро нодавлат нотижорат ташкилотининг 3 йилда бир марта истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танловини (кейинги ўринларда — танлов) ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Куйидагилар:

Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танловини ўтказишни ташкил этиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби 1-иловага мувофиқ;

Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки: танловда таянч олий маълумотга ва тегишли соҳада раҳбарлик лавозимида камида уч йил иш тажрибасига эга, 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган (45 ёш ҳам қўшилган ҳолда) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин;

Республика комиссияси танловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларга вазирлик ва идоралар, бошқа давлат ташкилотлари вакилларини, шунингдек, етакчи олим ва мутахассисларни, жумладан, хорижий олим ва мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқига эга;

(Давоми 2-бетда).



Конференция

ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА ИННОВАЦИОН ИМКОНияТЛАР

Кеча пойтахтимизда “Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштиришнинг замонавий бошқичдаги ҳолати: халқро илғор амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси” мавзуйда халқро конференция бўлиб ўтди.

Анжуман “Тараққиёт стратегияси” маркази ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Адлия, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирликлари, Бош прокуратура, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда бошқа халқро ташкилотларнинг юртимиздаги ваколатхоналари кўмағида ташкил этилди.

Унда мамлакатимиз парламенти ва давлат идоралари вакиллари, халқро экспертлар, жумладан, Хитой, Буюк Британия, Россия, Грузия, Озарбайжон, Греция, Молдова ҳамда бошқа давлатлар мутахассислари катнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорли-

гини тубдан ошириш, давлат ва жамиятни ҳар томонлама жадал ривожлантириш, модернизация қилишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлашди. Бугунги кунда давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ҳамда сифатли тизимини яратиш, давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этиш долзарб вазифа саналиши алоҳида айтиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Пировард мақсад “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган ғояни ҳаётга тўлиқ татбиқ этишга қаратилган.

(Давоми 2-бетда).



ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Мамлакатимизга Эрон Ислон Республикасининг йўллар ва шаҳарсозлик вазири Аббос Охундий бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.

Меҳмонлар дастлаб «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Раматов Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббу-

си билан барча жабҳада амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодиётнинг турли йўналишлари, жумладан, йўлсозлик, транспорт-логистика соҳаларида ҳам жадал ривожланиб бораётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).



Давлат бюджети: Маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш масъулияти

Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш жараёнида долзарб бўлиб, буларни амалга оширишда юртимизнинг асосий молиявий ҳужжати — Давлат бюджети алоҳида ўрин тутади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ҳамда Экоҳаракат депутатлар гуруҳининг йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йилдаги ҳамда 2018 йилнинг биринчи

чорағидаги ижроси тўғрисидаги масалалар қизғин муҳокама қилинди. Айни чоғда депутатларнинг ҳудудларда аҳоли билан беvosита ўтказган мулоқотлари, аниқланган камчилик ва муаммолар тахлили юзасидан фикр алмашилди.

(Давоми 3-бетда).



«Халқ сўзи» назоратида

Маънавият масканларига эътибор керак

Қишлоқ клублари, маданият уйлари ва кутубхоналар тақдирига ким жавобгар?

Ёши улуғларнинг айтишича, илгари қишлоқ ёшларининг энг сеvimли манзили — клуб эди. Бундай жойлар жуда гавжум бўларди. Акаларимиз, унаштирилганлар учун кинохона дийдор манзили эди. Йигит-қизлар кино баҳона бир-бирларини кўришар, ёнма-ён ўтирмасалар ҳам ўртада самимий ҳукмрон эди. Ортиқча хатти-ҳаракат қилишмас, ички истиҳола, ор-номус, уят, ғурур бунга йўл қўямасди. Шундай

тозалик бор эди руҳиятда. Қизик, аввал кинолар ҳам бошқача ишланган эканми ёхуд одамлар анча таъсирчанмиди, ҳар ҳолда улар фильм қаҳрамонлари тақдирига ачинишар ёки қувонишарди. Зеро, кино энг таъсирчан тарбия воситаси эканлигини мана шу мисоллар орқали ҳам билиб олиш мумкин.

(Давоми 4-бетда).



Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Биржалар ривожини ва иқтисодий юксалиш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонун ҳамда фонд биржасини ривожлантириш билан боғлиқ дастурлар ижро этилишининг ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда мамлакатимизда биржалар фаолиятини такомиллаштириш, жумладан,

фонд бозорини ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Биржалар ҳамда фонд бозори-

ни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар-

нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги, “Қимматли қозғалар бозори тўғрисида”ги қонунлар халқро тажриба ҳамда замон талабларидан келиб чиқиб, янги тахрирда қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).



“Обод қишлоқ” дастури

Фарғонанинг чирой очаётган манзиллари



Хурсандбек АРАББОВЕВ олган суратлар.

Дастур доирасида олиб борилаётган ишлар кўлами Олтириқ туманида ҳам кенг қулоқ ёзди. Энг йирик қишлоқлар — Қапчуғай, Полосон, Тинчлик ва уларда жойлашган ўн та маҳалла айни пайтда бунёдкорлик майдонига айланган. Бу ҳудудларда йўлсозлар, қурувчи ҳамда меъморлар, тадбиркорлар, кенг аҳоли вакилларининг елкама-елка меҳнат қилаётгани туфайли янгидан-янги объектлар барпо этилиб, ишга тушириляпти.

— Бизнинг энг ориқли нуқтамиз “Шарқ” маҳалла фуқаролар йиғинининг



“Обод қишлоқ” дастури чекка ҳудудларда яшайдиган миллионлаб ҳамюртларимиз турмуш фаровонлигини янада яхшилашга қаратилгани билан барчода катта мамнуният уйғотмоқда. Бугунги кунда Фарғонанинг 15 туманидан ўттизта маҳалла фуқаролар йиғини танлаб олиниб, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш пайдидан бўлинмоқда.



Шарқ тонги кўчасидаги 19 та кўп қаватли уйнинг ахволи эди, — дейди туман ҳокими Холимирза Ниёзов. — Аксарият уйларнинг тоmidан чакка ўтган-

лиги боис аҳоли ташқи фасадни умуман таъмирламай қўйганди. Қишлоқ кўчаларида фуқаролар ўзбошимчилик билан ноқонуний қурилмаларни

ташкил этган, қишлоқ ичидан оқиб ўтувчи ариқ-зовурлар ахлат уюмларига тўлиб-тошган эди.

(Давоми 4-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ИСТИҚБОЛЛИ БОШҚАРУВ КАДРЛАРИНИ ТАНЛОВ АСОСИДА
ТАНЛАБ ОЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги ўринларда — Академия) Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади;

танловнинг ҳолисона ва шаффоф ўтказилиши, шунингдек, номзодларнинг сифатли ва ҳолисона танлаб олинishi, қўйиладиган талабларга уларнинг мувофиқлиги учун жавобгарлик Республика комиссияси зиммасига юкланади.

4. Белгилаб қўйилсинки: давлат ташкилотларида меҳнат қилаётган иштирокчиларнинг танловда иширок этиш даврида уларнинг эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади;

танлов ғолиблари энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдориди, финал босқичининг қолган иштирокчиларига эса — энг кам иш ҳақининг 25 баравари миқдориди бир марталик пул мукофоти тўланади. Бунда танлов финал босқичининг қолган иштирокчилари тегишли соҳанинг бошқарув кадрлари захирасига киритилади;

танлов ғолиблари Академия ҳамда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази базасида тегишли соҳага оид вазирликлар, идоралар, йирик компаниялар раҳбарлари, маҳаллий ва хорижий юқори малакали мутахассислар ҳамда олимлар иштирокида ўтказиладиган, ривожланган хорижий мамлакатларнинг соҳага оид ташкилотларида танловнинг тегишли номинациялари юзасидан стажировка ўташни ўз ичига оладиган “Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Президент дастури”га мувофиқ уч ойлик курсларда ўқийдилар;

танлов ғолиблари “Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Президент дастури”га мувофиқ уч ойлик курсларни ўтагандан кейин тегишли йўналишлар бўйича давлат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларига тайинланади;

танлов ғолибларини тегишли раҳбарлик лавозимларига тайинлаш юзасидан чора-тадбирларни қўриш, шунингдек,

бошқарув кадрлари захирасига киритилган финал босқичи иштирокчиларининг фаолиятини кейинчалик уларни хизмат бўйича қўтариш ёки раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун мониторинг қилиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг умумий мувофиқлаштируви остида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ва Академия билан биргаликда икки ой муддатда:

талабгорларни рўйхатдан ўтказиш, иштирокчиларнинг сўровномаларини қўриб чиқиш, тест ва бошқа танлов синовларини ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижаларини тақдим этиш имкониятларига эга бўлган танловнинг махсус веб-порталини яратишини;

ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Республика комиссияси ишчи органини танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур аппарат-дастурий комплекслар билан жиҳозлашни таъминласин.

6. Қўйидагилар танловни ўтказишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

танлов ўтказишни ташкил этиш қисмида — Академияга харажатлар сметаси бўйича ажратиладиган бюджет маблағлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, халқаро молия институтларининг грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

танлов ғолиблари учун “Бошқарув кадрларини тайёрлаш бўйича Президент дастури”га мувофиқ уч ойлик ўқув курсларини ўтказиш қисмида — Академияга харажатлар сметаси бўйича ажратиладиган бюджет маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказига ажратиладиган маблағлар;

танлов ғолиблари ва финал босқичи иштирокчиларига бир марталик пул мукофотини тўлаш қисмида —

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

танлов ғолибларининг ривожланган хорижий мамлакатларнинг соҳага оид ташкилотларида тегишли номинациялар бўйича стажировка ўташи қисмида — Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, халқаро молия институтларининг грантлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

танловнинг махсус веб-порталини яратиш, ахборот тизимлари, ресурслари, маълумотлар базалари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, шунингдек, Республика комиссияси ишчи органини танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур аппарат-дастурий комплекслар билан жиҳозлаш қисмида — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Инновацион ривожланиш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Академия билан биргаликда танловни ўтказиш доирасидаги тадбирларни молиялаштириш учун халқаро молия институтларининг грантлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағларини жалб этиш чораларини қўрсин.

8. “Тараққиёт стратегияси” марказига:

танлов ўтказилиши устидан жамоатчилик мониторингини амалга ошириш ва уни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни; танлов якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларнинг давлат, рус ва инглиз тилларида тайёрланиши ва эълон қилинишини, шунингдек, кенг тарқатилишини таъминлаш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Инновацион ривожланиш вазирлиги, Академия ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда танловни ўтказиш якунлари

юзасидан танлов доирасида истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш тизимини такомиллаштириш, жумладан, талабгорларга қўйиладиган замонавий талабларни жорий этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига таклиф киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги, Академия ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Давлат ташкилотларида бўш лавозимларни тўлдириш учун бошқарув кадрлари захирасини танловнинг финал босқичи иштирокчилари орасидан шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига танловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни, шунингдек, унинг натижаларини кенг ёритиш, жумладан, мавзуга оид мақолалар, туркум телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар ташкил этиш тавсия қилинсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори Р. С. Касимов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 30 май	

ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ ВА
ИННОВАЦИОН ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Конференцияда Маъмурий ислохотлар концепциясини татбиқ қилишнинг дастлабки натижалари умумлаштирилиб, мазкур соҳадаги хорижий таҳриба ўрганилди. Жумладан, “Давлат хизматлари сифати ва оқчилигини янада ошириш” деб номланган сессияда иштирокчилар аҳоли ҳамда юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-

тадбирлар ижросини ўргандилар.

Айтиб ўтилганидек, бугунги кунда юртимизда Давлат хизматлари марказлари ташкил этилиб, улар фаолияти “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” тамойили асосида йўлга қўйилмоқда. Сессия давомида Грузия ва Озарбайжон давлатлари вакиллари жисмоний ҳамда юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатишни ташкил қилиш бўйича ўз тажрибалари ҳақида гапириб бердилар.

Иккинчи сессия профессионал

давлат хизматининг самарали тизимини шакллантиришга бағишланди. Унинг доирасида “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун концепцияси тақдим этилди.

Навбатдаги сессияда давлат бошқарув тизимини оптималлаштириш ва модернизациялаш юзасидан қизгин муҳоамалар бўлди. 2018 — 2021 йилларда “Электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантириш стратегияси ҳақида батафсил маълумот берилди.

Якуний сессия эса давлат ҳамда жамоат бошқаруви тизимида фуқа-

ролар ва ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш масалаларига бағишланди.

Анжуман давомида иштирокчилар “Менинг фикрим” жамоавий мурожаатлар портали имкониятлари билан танишдилар. Фуқаролар портал ёрдамида парламент палаталари ҳамда маҳаллий (вилоят, туман ва шаҳар) халқ депутатлари Кенгашларига мурожаат йўллашлари, шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар киритишлари мумкин.

Биржалар ривож
ва иқтисодий
юксалиш

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, биржалар фаолиятини такомиллаштириш ва фонд бозорини ривожлантириш билан боғлиқ дастурлар бугунги кунда Президентимизнинг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ҳамда бошқа норма-тив-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида рўёбга чиқарилмоқда.

Айни пайтда юртимизда 4 та биржа, жумладан, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан фаолияти тартибга солинадиган 3 та биржа — Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси, Республика универсал агроаноат биржаси, “Тошкент” Республика фонд биржаси ишлаб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида фонд бозори, фонд биржасини янада ривожлантириш учун Қимматли қозғалар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ишини тубдан қайта ташкил этиш бўйича белгилаб берилган вазифаларни бажариш юзасидан қўмита ҳузуридаги мазкур марказни Капитал бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш агентлиги сифатида қайта ташкил этиш бўйича

тегишли ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан келишилмоқда.

Йиғилишда биржаларга оид қонунчилик ва фонд биржасини ривожлантириш билан боғлиқ дастурлар ижросини таъминлашда йўл қўйилаётган камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар атрофлича таҳлил қилинди. Хусусан, ханузгача мамлакат молия бозорини ўрта муддатли ҳамда узоқ муддатли истиқболларда ривожлантириш концепцияси талаб даражасида ишлаб чиқилмаган. Фонд бозори ликвидлиги нисбатан пастлигича, иккиламчи бозор эса ўта пассивлигича қолмоқда. Натижада аҳоли ва бошқа бозор қатнашчиларининг фонд бозори амалиётларига бўлган ишончи ортмапти. Иқтисодиётнинг реал сектори ҳамда фонд бозори ўртасида узилиш мавжуд бўлиб, корхоналар томонидан инвестицион маблағлар жалб этилишида фонд бозори инструментларидан фойдаланиш етарли даражада эмас. Айниқса, давлат иштироки бўлган акциядорлик жамиятлари қузатув кенгашларининг фаолияти суст. Ҳўжалик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш жараёни етарлича самара бермапти, баҳолаш натижаларига кўра қузатув кенгаши ва ижроия органига нисбатан қўрилган чоралар деярли сезиларсиз қолмоқда.

Мажлисда биржалар ҳамда фонд бозорини ривожлантириш, инвесторлар ва фонд бозорининг бошқа иштирокчиларига қулай шарт-шароитлар яратиш, соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Биржада фаолият юритаётган ҳодимларнинг малака ҳамда кўникмасини ошириш, ривожланган чет эл биржаларида тизимли равишда уларнинг амалиёт ўташини ташкил этиш, биржа савдоларида ликвидлигини бошқаришни замонавий механизмларини жорий қилиш, биржа товарларининг икки томонлама узлуқсиз котировкасини таъминлаш билан шугullanувчи профессионал иштирокчилар — маркет-мейкерлар фаолиятини рағбатлантириш юзасидан фикрлар билдирилди.

Сенаторлар “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонун ҳамда фонд биржасини ривожлантириш билан боғлиқ дастурлар ижросини сўзсиз бажариш, соҳани замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича барча муҳим чораларни қўриш лозимлигини таъкидладилар. Бу борда зарур таклиф ҳамда тавсиялар берилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

3. АШУРОВА.

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ
МУСТАҲКАМЛАНАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатларимиз ўртасида ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Икки давлат ўртасида транспорт соҳасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган бўлса-да, мунтазам қатновларни йўлга қўйиш, сайёҳликни ривожлантириш бўйича фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд.

Учрашувда ҳамкорликнинг янги йўналишларидан унумли фойдаланиш, «Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Умон» минтақа-

лараро транспорт коридорини ишга тушириш алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди.

Делегация аъзолари шу куни қатор вазирлик ва ташкилотларда бўлиб, ўзаро ҳамкорликни равнақ топтириш юзасидан фикр алмашди.

Меҳмонларнинг Самарқанд ва Бухоро вилоятларига ташрифи режалаштирилган.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Хитойлик ишбилармонлар Самарқандда

Самарқанд шаҳрида Хитой Халқ Республикасининг Шаньси провинциясидан ташриф буюрган бир гуруҳ тадбиркорлар билан учрашув бўлиб ўтди.

— Яқинда бизнинг иш-шартномалар имзолаб билармонларимиз ҳам қайтишган эди, — деди Самарқанд вилояти ҳокими

Т. Жўраев. — Бунинг натижасида Хитойдан қўллаб-қувватлаш техникалар олиб келдик.

Учрашувда Шаньси провинциясининг кишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиёт уюшма-

си раиси Санг Ши Цзин ўртадаги алоқаларнинг самаралари ҳақида сўз юритди. Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш бўйича битимлар тузишга келишиб олган тадбиркор-

Давлат бюджети:

Маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш масъулияти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунончи, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари ушбу ҳисоботни батафсил кўриб чиқдилар.

Йиғилишда юртимизда олиб борилаётган валюта сиёсати ҳамда ташқи савдо фаолиятини такомил-лаштириш бўйича ҳукумат томони-дан кўрилган чора-тадбирлар мам-лакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, замо-навий технологияларга асосланган ишларни йўлга қўйиш ва кичик биз-нес ҳамда хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга хизмат қилаётга-ни эътироф этилди.

Таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ҳар то-монлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, улар фаолияти учун қулай муҳит яратилиши натижасида 2017 йилда 38,2 миңдан ортиқ ки-чик бизнес субъектлари ташкил қилинди.

2018 йилнинг биринчи чорағи да-вомида кўчмас мулк объектлари ва ер майдонларини ялпи хатловдан ўтказиш тўғрйли солиқ базаси ке-нгайиб, ресурс тўловлари ҳамда мулк солиғи бўйича Давлат бюджетига 2,4 триллион сўм маблаг келиб тушган.

Банд бўлмаган аҳолини ҳақ тўла-надиган жомоат ишларига кенг жалб этиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиғи ҳузурига Жомоат ишлари жамгармаси ташкил қилиниши ҳамда унга Давлат бюд-жетидан 2018 йилнинг биринчи чо-рағида 70 миллиард сўм маблаг мо-лиялаштирилиши эвазига банд бўлмаган 104,5 миң аҳолига қарийб 46 миллиард сўм иш ҳақи тўла-нишга имкон яратилган.

Ҳисобот даврида Давлат бюдже-ти маблағларнинг мақсадли ишла-тилишида ва уларнинг самарадор-лигини таъминлашда ҳали ҳам ҳато-ликларга йўл қўйилганига депутат-лар жиддий эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон “Миллий тикла-ниш” демократик партияси фрак-цияси йиғилишида 2017 йилда иқти-содиётни янги асосда ташкил этиш ҳамда янада эркинлаштириш, уни диверсификация қилиш ва тарқийб ўзгартириш, ишлаб чиқаришга энг замонавий, илгор технологиялари жорий этиш орқали уни модернизаци-ялаш миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини ҳамда рақобат-дошлигини оширишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Долзарб мавзу

Журналист қандай қилиб роботдан устун бўла олади?

Бугунги шиддатли давр ахборот соҳаси олдига ҳам янги “хатар”ларни қўймоқда. Хўш, уларга қандай қарши турмоқ керак?

Буни яқинда ташкил этилган Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ўргатишади.

...Бундан тўрт йил илгари март ойида АҚШнинг Лос-Анжелес шахри аҳолисини унчалик кучли бўлмаган ер силкиниши уйғотиб юборди. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас, “Los Angeles Times” нашрининг сайтида шундай хабар пайдо бўлди: “АҚШ Геология хизмати маълумотларига кўра, душанба кuni эрталаб Калифорния штатида, Уэствуддан беш миля масофада 4,7 магнитудали зилзила кузатилди. Зилзила Тинч океани вақти билан соат 6.25 да содир бўлди...” Ва яна бир неча шунга ўхшаш жумлалар. Бир қарашда, оддий хабарга ўхшайди. Бошқалардан фарқи ва янгилиги эса — уни робот ёзганлигида.

Муаллифнинг исми “Quil”, яъни макро-ла ёзишнинг технологик тизими. Унинг қўллаб “хамкасблари” турли қўтьаларда учрайди. Мисол учун, Пекин универси-тетида “Xiao Nan” дастурини ишлаб чи-қишди. У бир сонияда Янги йил кuni кучаларни ўз берган тирбандлик ҳақида хабар ёзиб берди. Жанубий Кореянинг “Yonhap” ахборот агентлиғи неғизда яна шундай компьютер тизими ишлайдики, Англиядаги Премьер-лига ўзинлари тўғрисида янгиликлар уша захотийк пай-до бўлади. Махсус дастурлар “Forbes” учун матнлар тузапти, “Яндекс” ахборот агентлигида ҳам янгиликларни энди роботлар ёзади.

Хўш, бундай ҳолат яқин орада тахрири-ятлардаги компьютерлар бўшаб қолиши ва газета-журналлар саҳифаларини, сайтлар-нинг ахборот лентасини алгоритмлар тай-ёрлаган материаллар тўлдирлишини англа-тадими? Бу саволга экспертлар “йўқ” дея жавоб беришмоқда.

Ахир микросхема ҳамда симлардан ясал-ган “журналистлар” жонли инсонлардан аф-зал бўлиши мумкинми? Фақат иш “қоли” усулида олиб борилган жойдагина “сунъий ақл” бир неча сониядаёқ бенуксон ҳисоботи-ни тайёрлаб берад балки. Аммо ўша матн-га жон киргиза оладими? Ҳеч қачон. Чунки унинг ўзида йўқ-да.

Одамнинг “сунъий ақл”дан устунлиги шубҳасиз. Масалан, журналист ёзган матн тушунарли ва қизиқ. Роботлар ҳеч қачон ин-тервью олишни ўрганмаसा керак. Улар мав-зуни ривожлантирадиган саволларни топа олмайди ёки кинояни тушунайди-ку. Му-тахассислар фикрича, аҳолий мақола ҳамда репортажни ёзиш учун юмор, киноя билан бирга, ижтимоий темперамент, ҳис-туйғу-лар ҳам талаб этилади.

Ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари тушумининг 102,5 фоиз бажарилгани унинг харажатларини тўлиқ қоплаши ва ялпи ички маҳ-сулотга нисбатан 0,1 фоиз микдо-рида профицит билан ижро қилини-шини таъминлаган. Фракция аъзо-лари Давлат бюджети даромадлари-да катта салоҳиятга эга бўлган қўшилган қиймат солиғидан тушум-ларнинг 70 фоиздан ортиғи ўзимиз-да ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда хизматлар ҳисобидан шакл-лангани иқтисодиётнинг экспорт са-лоҳияти юксалганидан ва импорт ўрнини босувчи махсулотлар ишлаб чиқариш кўпайганидан далолат бе-ришини таъкидладилар.

Шунингдек, Давлат бюджетининг барча даражасида мутаносиблиқни таъминлаш, юқори бюджетга қарам бўлган ҳудудларни қамайтириш, ай-никиса, маҳаллий бюджетларнинг да-ромадларини мустаҳкамлашга қара-тилган бюджетларро муносабатлар-нинг такомиллаштирилиши ҳисобот даврида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолиш ҳамда бюджет параметрларида бел-гиланган барча тадбирни тўлиқ амалга ошириш имкониятини яратгани эътироф этилди.

Депутатлар жойлардаги ўрганиш-лар натижаларига асосланган ҳолда, ҳудудларнинг ресурс салоҳиятини тўлиқ амалга ошириш, бюджет маб-лагларидан янада самарали фойда-ланишни таъминлаш, маҳаллий бю-джетлар даромадини ошириш бора-сида жойларда мавжуд имконият ва резервларни тўла ишлатишга эъти-борни янада кучайтириш лозими-лига ургу бердилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Давлат бюджетининг 2017 йилдаги ижросида ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда ижти-моий ҳимоясини таъминлаш бораси-даги тадбирларнинг молиялаштири-лишига алоҳида эътибор қаратдилар.

Ҳисобот даврида таъкидлангани-дек, харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиғи сақлаб қолинган бўлиб, улар Давлат бюджетининг 55,2 фоизини ёки ЯИМга нисбатан 10,9 фоизни ташкил қилган.

Харакатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаат-лари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси доирасида партия электорати бўлган кексалар ҳамда ногиронларни давлат томо-нидан қўллаб-қувватлаш мақсадида 17 миңдан зиёд ногиронлиғи бор шахслар протез-ортопедга бўюлма-

ри ва техник воситалар билан таъ-минланган, 15,7 миң нафар ўзга-лар парварлишга муҳтож яққа-ёлғиз ҳамда ёлғиз истиқомат қиладиган кекса ва ногиронлиғи борлар уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш билан қамраб олиниб, шундан 4 миң на-фари ҳар ойда 15 турдаги озик-овқат махсулотлари ҳамда гигиеник воситалар билан бепул таъминлани-ши йўлга қўйилган.

Давлат бюджетининг 2018 йл-нинг биринчи чорағи яқунлари бўйи-ча тақдим этилган ҳисобот партия сайловолди дастури, жойлардаги ўрганишлар натижаси ҳамда элек-торат манфаатларидан келиб чиқиб, атрофлича муҳокама қилинди.

Ушбу даврда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувват-лашга ажратилган маблағларнинг қарийб 80 фоизи иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловларни молия-лаштиришга йўналтирилган.

Йиғилишда фракция аъзолари-нинг яқинда жойларда бўлиб ўтган учрашувларида, аҳоли билан муло-қотларида айрим ҳудудларда бюд-жет соҳасидаги камчилик ва муам-молар аҳолининг ҳақли эътирозла-рига сабаб бўлаётгани, мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш лозимлиғи айтиб ўтилди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар, партия экс-пертлари ҳамда фаоллари, тегишли вазирлик, идоралар раҳбарлари ва журналистлар қатнашди.

Фракция аъзолари мактабгача таълим тизимини тубдан такомил-лаштиришга қаратилган ислохотлар-га аҳамият бердилар. Соҳада давлат-хусусий шериклиқни амалга ошириш, тизим ҳодимларининг иш ҳақини кўпайтириш ҳамда болалар-ни мактабгача таълим билан қам-раб олиш даражасини янада яхши-лаш мақсадида республикамизнинг 20 та туманидаги давлат мактабга-ча таълим муассасаларида тўлов микдорини 2023 йил 1 январгача бўлган муддатда икки баравар па-сайтириш кўзда тутилгани жойлар-да парламент аъзолари иштироки-да ўтказилаётган учрашувларда аҳоли томонидан алоҳида эътироф этилаётгани айтиб ўтилди.

Муҳокамаларда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган маблағлар ижроси ҳам фракция аъзоларининг диққат-эътиборида бўлди.

Депутатлар соҳага йўналтирилган маблағларнинг нечоғли мақсадли ишлатилгани билан қизиқдилар.

Айни чоғда Давлат бюджетининг жор-ий йил биринчи чорағи ижросида дорри воситаларини ва тиббиётда қўллаш учун мўлжалланган буюмлар-ни харид қилиш мақсадида 2017 йилнинг мос даврига нисба-тан 2,6, тез-тиббий ёрдамни молия-лаштиришга 2,3 баробар кўп маб-лаг сарфлангани ҳамда ҳудудларда-ғи тез тиббий ёрдам бригадалари-ни марказлашган тарзда дори во-ситалари ва тиббиётда фойдаланиш учун мўлжалланган буюмлар билан таъминлаш тартиби жорий қилинга-ни қайд этилди.

Фракция аъзолари ҳудудлардаги ўрганиш натижаларидан келиб чи-қиб, аҳолини етарли даражада ҳамда арзон дори-дармон восита-лари билан таъминлаш, уларнинг нархларидаги кескин тафовутларни бартараф қилиш, “Ижтимоий дори-хоналар” тармоғини тезроқ ама-лиётга жорий этиш, бу борада пар-ламент назоратини янада кучайти-риш заруриятини билдирдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик па-латасидаги Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутат-лар гуруҳи йиғилишида ҳам ушбу ахборот муфассал кўриб чиқилди.

Ҳисобот даврида Оролбўйи мин-тақасида амалга оширилаётган экологик тадбирлар учун 2016 йл-да 4,9 миллиард сўм микдорида ха-ражатлар йўналтирилган бўлса, 2017 йилда мазкур кўрсаткич 50,1 миллиард сўмни ташкил қи-лгани қайд этилди. 2018 йилнинг биринчи чорағида эса Давлат бюд-жети ҳисобидан табииатни муҳофа-за қилиш тадбирлари учун 112 мил-лиард сўм сарфланган.

Муҳокамаларда депутатлар томо-нидан аҳоли саломатлигини яхши-лаш ва экологик муаммоларни ҳал этиш учун Давлат бюджетидан аж-ратилаётган маблағлардан мақсад-ли, самарали фойдаланиш ҳамда бюджет интизомига риоя қилиниши юзасидан назоратни кучайтириш, ат-роф-муҳитни муҳофаза этиш ва та-биий ресурслардан фойдаланишга қаратилган дастурларнинг Давлат бюджетидан молиялаштириладиган чора-тадбирлар ижросини тўла таъ-минлаш юзасидан қизгин фикр ал-машилди.

Йиғилишлар якунида сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзе-бикстон экологик ҳаракати депутат-лар гуруҳининг кўриб чиқилган ма-сала юзасидан нуктаи назари шакл-лантирилди ва ҳисоботни маъқуллаш тўғрисида қарорлар қабул қилин-ди.

Зиёда АШУРОВА.

Сенатор мушоҳадаси

Энди маълумотномани фуқаро эмас, нотариуснинг ўзи йиғади

Айни пайтда юртимизда аҳолини йиллар давомида қийнаб келаётган кўплаб масалаларга ечим топилмақда. Давлат идораларида қоғозбозлик ва хужжатбозликларга чек қўйиш, одамлар огирини енгил қилишга катта эътибор қаратилаяпти.

Президентимизнинг 2018 йил 25 майдаги “Низо-ларнинг олдини олишга қара-тилган институт сифатида но-тариат тизимини янада тако-милаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида”ги қарори бу борадағи изчил ишларнинг мантқий давоми бўлди.

Жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, ман-фаатларини ҳимоя қилишда нотариат институтининг роли ва аҳамиятини ошириш мақ-садини кўзлаган мазкур ҳуж-жатда асосий эътибор нота-риуслар томонидан фуқаро-ларга кўрсатилаётган хизмат-ларнинг сифати, тезкорлиғи ҳамда шаффофлигини таъ-минлаш, ортиқча оворагарчи-лик, қоғозбозлик ва корруп-ция ҳолатларига чек қўйиш, нотариат соҳасини янги кўри-нишга — яъни, фаол модел-га ўтказишга қаратилди.

Бундан ташқари, мазкур қарор фуқаролар ўртасида келиб чиқishi мумкин бўлган иқтисодий, оилавий, мерос, уй-жой, меҳнат ҳамда бошқа низоларнинг олдини олишда нотариатнинг имкониятидан тўлиқ фойдаланишга туртки бўлди, десак ҳам янглишмай-миз.

Хўш, қарор билан белги-ланган янги тартиблар одам-лар ҳаётида қандай енгил-ликлар яратади?

Энг муҳим енгилликлардан бири шуки, 2019 йил 1 ян-вардан бошлаб кўчмас мулк-ни ижарага бериш ва текин фойдаланиш шартномалари-ни нотариусда тасдиқлаш шарт эмас. Энди фуқаролар ўзаро оддий ёзма шартнома тузади ҳамда солиқ идора-сида шартномани ҳисобга қўяди, холос. Бунда ортиқча ҳужжатлар тақдим этилмай-ди ва ҳеч қандай тўловлар тўланмайди. Бунинг яна бир аҳамиятли жиҳати, фуқаролар нотариусда навбатда туриш, ҳужжат йиғиш, вақт ҳамда пул сарфлаш каби бошогрик-лардан озод бўлишди.

Ҳозиргача уй-жой олди-сотди шартномаси оддий қоғозда чиқарилар эди. Тур-ган гапки, улари сохталаш-тириш ҳам осон бўлган. Ама-лиётда — тергов ва судлар-да бундай ҳолатлар бўйича ишлар жуда кўп кўриб чиқил-ган.

Президентимиз қарорида эндиликда фуқароларнинг алданиб қолмасликлари учун бундай шартномалар махсус гербли бланкларда расмий-лаштирилиши белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда фуқарола-римиз мерос масаласида ҳам кўп ҳуқуқий муносабатга ки-ришмоқда. Айникса, васият-номалар борасида кўп учрай-диган ҳолат, бу — меросхўр-лар ўзаро мерос талашиши ҳамда судга даъво билан чи-қиши. Аксарият ҳолларда судларда васиятномани им-золашда отам (онам) ақл-хуши жойида бўлмаган ёки васиятномага отам (онам) имзо қўймаган, уларнинг им-зоси бошқача, бу сохта имзо, деган важлар келтирилади.

Қарор билан бу борадаги ҳуқуқий тартиб-таомиллар ҳам такомиллаштирилди. Эн-диликда бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ва-сиятнома ва бундан ташқа-ри, фуқаронинг жисмоний нуқсони, касаллиғи тўғрйли ёки бошқа сабабларга бино-ан, нотариал ҳужжати унинг топишриғига кўра, унинг ўзи ҳамда нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро томонидан им-золаниши жараёни аудио ва видеотасмага туширилади

ҳамда булар келажақда низо-чкиса, далил сифатида иш-латилади. Яна бир муҳим янгилик шуки, нотариал идорада фуқароларнинг шахсини аниқлаш бармоқ изларини сканер қилиш ва уларни пас-портдаги биометрик маълү-мотлар билан солиштириш орқали амалга оширилади.

Бу нимага керак? Кейинги пайтларда нота-риал хужжатлардаги имзони сохталаштириш ҳолатлари

Президентимизнинг мазкур қарори юртимизда “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқи-мизга хизмат қилиши керак”, деган ғоянинг амалда бўўбга чиқаётганига яна бир мисол бўлди. Ушбу ҳужжат орқали ҳаётга жорий қилинаётган янгиликлар фуқароларимизга қўшимча қўлайликлар яратиш, нотариат идораларидаги ша-роитларни яхшилаш, ортиқча оворагарчилик ва пул сарф-лашларнинг олдини олиш, низоли ҳолатларга барҳам бериш, умуман, ҳаётимизни енгиллаштиришга қаратилгани билан катта аҳамият касб этади.

Исломиддин АБРАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Ижодий фаолият юртишга катта им-кониятлар берилди. Бироқ келгусида ҳал этилиши керак бўлган ўта муҳим ва дол-зарб вазифалар ҳам кун тартибига чиқ-ди. Уларни, албатта, янги университетда тахсил оладиган ёшлар баҳаришади.

Бу вазифаларнинг энг биринчиси — ёлгон, асоссиз янгиликлар медиа-макон-га жиддий салбий таъсир кўрсатаётган бугунги шароитда ОАБга бўлган ишонч-ни қайтариш. Мазкур муаммони муҳока-ма қилишга бағишланган алоҳида анжу-манлар ўтказилмоқда. Масалан, яқинда ана шундай тадбирларнинг бирйда япо-ниёлик медиа-мутахассислар таъкидла-шича, “янги ОАБ” деб аталувчи тармоқ-ларда ишонсиз маълумотлар кўпайиб кетганлиги сабабли кўпчилик ўқувчилар уларга шубҳа билан қарай бошлашди. Кунчиқар мамлакатда кейинги ўн йил ичи-да бундай нашрларнинг нуфузи псай-ди. Агар илгари уларга аудиториянинг 60 фоизи ишонган бўлса, энди 50 фоиз-дан ҳам қамайган. Аксинча, анъанавий ОАБга бўлган ишонч кўрсаткичи 70 фоиз-дан ортган.

Албатта, сўз медиа-субъектларнинг ту-рига қараб қатъий ажратиш ҳақида бо-раётгани йўқ. Газета-журналлар ҳам “Ўргимчак турй” ва ижтимоий тармоқлар-дан мохирона фойдаланиб, ўз аудитория-сини кенгайтириши мумкин. Анъанавий оммавий ахборот воситалари эса, мум-тоз журналистика тасвия этганидек, факт-ларни синчиклаб текширган ҳолда тақ-дим қилиш орқали интернетда сифатли медиа-махсулот ҳажмини кўпайтиришга ҳисса қўша оладилар.

Тўплаган таҳриба билан бир қатор-да, Ўзбекистон журналистика ва омма-вий коммуникациялар университетининг битирувчилари келажақда замонавий ис-теъмољчининг дидига мос медиа-контент-ни ярата оладилар.

Ахборот уммони шу қадар улканки, унда чўкиш ҳеч гап эмас. Шу боис анъа-навий ОАБ зиммасига нафақат биринчи бўлиб хабар бериш, балки ўқувчини ўйлантирадиган, рўй берган воқеанинг сабаб ҳамда оқибатлари ҳақида мулоҳа-за юриштишга ундайдиган, том маънода журналистик материалларни тақдим этишдек масъулиятли вазифа юкланди.

Бир томондан, шунинг учун ҳам мута-хассислар журналистикада автоматлаш-тириш жараёнига табиий ҳодиса, деб қарамоқдалар. Россиялик тадқиқотчилар фикрича, келгусида роботларга маълү-мотларни тўплаш ва қайта ишлаш ва-зифасини топишриш мумкин. Бу муҳар-рирлар ҳамда мухбирлар учун яхши, чун-ки эксклюзив мақола ва репортажларни тайёрлашга вақтлари бемалол бўлади.

Р. АЛИШЕРОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хўш, нима учун буларни эслаганимиз? Гап шундаки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз зёилилари, кино соҳаси вакиллари билан бўлиб ўтган йиғилишларда ёшлар тарбиясида бадийий фильмларнинг ўрни ва аҳамияти, бунда кишлоқларда клублар, кинотеатрлар фаолиятини йўлга қўйиш зарурли-

ўз клуби бўлган, — дейди Олтинқўл туманининг Қўштепасарой кишлоғилик меҳнат фахрийси Мадамминжон Зокиров. — Бизнинг ана шундай маданият масканимизда ҳам маданий-маърифий тадбирлар кўтаринки рухда ўтган. Эсл сўйган санъаткорларнинг овози жаранг сочган. Утган йиллар мобайнида клубга бўлган эътибор сўсайди. Хайҳотдек икки қаватли бино 2007 йили сотиб юбо-

да фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлармиди...

— Дарҳақиқат, ҳаётимизни маънавийтсиз, маданиятсиз тасаввур этолмаймиз, — дейди Касби туманидаги “Камашин” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғофир Мавлонов. — Илгари бундай масканлар, айниқса, кишлоқлардаги ёшларнинг сеvimли жойи бўлган. Чунки маданият уйида кинофильмлар намойиш

миз билан шу ерга келиб, ўзбек ва жаҳон киноси дурдоналарини катта экранда томоша қилардик, маданий-қўнгилчор тадбирлардан бир олам таассурот билан қайтардик. Афсус, мана шундай маънавият маскани кейинги йилларда эътиборсиз қолиб, қаровсизликдан анча ташландик ҳолатга келди. Кўп кишлоқлардаги клублар, маданият саройлари эса хусусийлаштирилиб,

кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги “2018-2019 йилларда замонавий кинотеатрлар тармоғини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори кино илпосмандлари учун ажойиб хушхабар

Маънавият масканларига эътибор керак

Кишлоқ клублари, маданият уйлари ва кутубхоналар тақдирига ким жавобгар?

гини таъкидлаган эди. 2017 йил 5 июлда имзоланган “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармонда эса барча қўлайликларга, жумладан, кутубхона ҳамда китоб дўконига эга бўлган Ёшлар марказлари ва замонавий ёшлар кинотеатрларини ташкил этиш кўзда тутилгани ҳам бежиз эмас. Бинобарин, бундай марказлар фарзандларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, иктидорларини тоблашга хизмат қилади.

Бир мисол. Илгари кишлоқ клубларида “Балли, йиғитлар”, “Иқбол”, “Кувноқлар ва зукколар” сингари

рилди. Айни пайтда унинг тенг ярми ачинарли аҳволда. Бино қаровсиз, кимсасиз, фойдаланишга яроқсиз. Ваҳоланки, бир пайтлар бу ер нафақат маданият тадбирлари маскани, балки халққа зиё тарқатувчи манзил ҳам бўлган. Унинг таркибидаги кутубхонада ўн минглаб китоблар мавжуд бўлиб, юзлаб ўқувчисига эга эди. Ҳаваскорлик гуруҳларидан таркиб топган ансамбллар қобилият эгаларини кашф этиб, уларнинг истеъдодини шакллантиришга хизмат қилган. Турли фан тўғрақлари орқали ёшлар камолот сари йўл олган эдилар. Кишлоққа оид ҳар қандай тадбир шу ерда ўтган. Ҳеч бир маслаҳат шу бинодан ташқарида

Президентимиз раислигида 2017 йил 29 декабрь куни миллий кино санъати ва киноиндустрияни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва бу борада мавжуд муаммоларни ҳал этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтган эди. Унда ҳозирги киноларнинг савияси онгимизга, маънавиятимизга, маърифатимизга қандай таъсир кўрсатмоқда, деган соволга аниқ жавоб йўқлиги, бунини библи-билмасликка олиб юраверганимиз оқибатида бор нарсамизни ҳам йўқ қилганимиз танқидий таҳлил қилинганми. “Маънавий йўналишларимиз иқтисодий йўналишлардан ўн қадам олдинда юриши керак. Ана шунда биз ҳозирда қилаётган катта-катта режаларимиз, дастурларимиз амалга ошадми”, дея алоҳида таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари.

танловлар ўтказилар, бунда қанчадан-қанча ёшлар, мактаб ўқувчилари қатнашиб, ўз истеъдодларини намойиш этишарди. Бундан ташқари, ҳар бир кишлоқда кутубхоналар бўлар, ёшлар қўлма-қўл қилиб бадийий асар ўқир, бир-бири билан муҳокама қиларди. Бугун-чи? Худудлардаги маданият уйлари, клублар, кутубхоналарнинг аҳволи қай даражада?

— Биз тенги авлод яхши билди, авваллари ҳар бир кишлоқнинг

бўлмас эди. Қисқаси, клубимиз кишлоқнинг юраги жойлашган манзил бўлган.

Бугунги кунга келиб кишлоқ аҳолиси сони 30 минг нафардан ортиб кетди. Мана шундай кўп халқни ўзига бирлаштира олган худуднинг бирорта ҳам маданият маскани йўқлиги кишини ажаблантиради. Бир пайтлар кишлоқ клуби вазифасини ўтаган бинони таъмирлаб, ундан маданият ва аҳоли дам олиш маскани сифати-

Танлов



Фотол АБДУРАСУЛОВ (ўзг) олган сурат.

Ёшларимиз ихтиро қилган “ақлли” техникалар

Электрон мосламалар, турли юмушларни бажаришга қодир роботлар...

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан “Robokidz” робото-техника мактаби ҳамкорлигида ўтказилган “Robo challenge — 2018” танловига қатнашган борки, ушбу манзарани кўриб, келажак ҳақидаги тасаввурлари янада бойиди. Айниқса, уларнинг ихтирочилари ўзимизнинг ёшлар экани барчаннинг кўксини ғурурга тўлдирди.

Тадбирда таъкидланганидек, илк бор ташкил этилган мақсад болаларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, инновациялар, спорт ва таълим робототехникасига бўлган қизи-

кишини янада ошириш, техник иходкорлигини рағбатлантиришдан иборатдир. Танловда мактабларнинг ўзига сараланган ва яқиний босқичга тасвия этилган 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган икки кишидан иборат 25 жамоа қатнашди. Ҳакамлар ҳайъати ўқил-қизлар томонидан ишлаб чиқилган роботлар, уларнинг ташқи кўриниши, рангининг ўзига хослиги, хусусиятини баҳолади. Жараёнда техникаларнинг компьютер орқали бошқарилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ғолибларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди.

Дилшод КАРИМОВ.

Фаргонанинг чирой очаётган манзиллари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Қапчуғай обод келажиги” хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига банкдан 357 миллион сўмлик кредит берилиб, биринчи ишимиз, томларни шиферлашдан бошланди. Режасиз қурилган биноларни олиб ташлаш ва ободонлаштириш юмушларида аҳолининг ўзи фаол бўлди. Эртанги кун ободлиги уларда умид уйғотди. Хонадонларга кириш қисми ҳашар йўли ҳамда ҳомийлик маблағлари ёрдамида тўлиқ таъмирланди.

Полосон ва Тинчлик кишлоқларида жойлашган хонадонларнинг 10 580 метр квадрат том қисми янгиланди, 444 та хонадоннинг ташқи тарафи умумий ландшафтга хос тарзда бўялди. Ушбу худуднинг 8 километрлик қисмидаги ёғоч таянчлар бетонлисига алмаштирилди, 360 та кўча чироғи ўрнатилди.

Аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 5,8 километр қувур тортилди, 4 километр оқова сув тармоғи тозаланиб, 300 метри янгидан ётқизилди. Асосий йўлдан маҳалла кўчаларига кириш жойининг 4 минг метри таъмирланди. Дўканерса, худуддаги 48 та савдо дўкони, 18 та гўшт дўкони ҳамда 43 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти реконструкция қилинди.

Ташаббус ва шижоат

Қапчуғайдаги 19 та кўп қаватли уйнинг бугунги қиёфасига боқиб, унинг тароватини

этиларди, китоб ўқийдиганлар учун кутубхона ишлаб турарди. Кўнгилочар тадбирлар учун жуда мос жойлар эди. Яхши эслайман, уша даврларда кишлоққа бир санъаткор келибди деса, бутун кишлоқ аҳли маданият уйига йиғиларди. Бўш вақтларимизни шу ерда ўтказиб, ҳеч бўлмаса, бир қизиқарли китоб ўқирдик.

Ҳозир маҳалламизда 3,5 мингдан ошиқ хонадон бор. Уларда истиқомат қилаётган 18 минг аҳолининг асосий қисми ёшларни ташкил этади. Кишлоқдаги собиқ хўжалик давридан буюн бекор турган икки қаватли маданият саройи эса “хувиллаб” ётибди. Агар шу бино қайта тикланса, кишлоқ аҳли учун яна қанча хизмат қилган бўларди. Бу ерда илгари замонавий кинозал, доирачилар, рубобчилар тўғрақлари, кутубхона бўлган. Кинофильмлар намойиши учун ҳам шароит бор эди. Лекин ушбу муассасалар қаровсиз.

Ёшларни тўғри йўлга бошлаш, зарарли одатлардан, турли ётғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, оилалардаги маънавий муҳитни яхшилаш бўйича ташкил қилинадиган бир қанча маънавий-маърифий тадбирлар учун, қолаверса, кишлоқ аҳолининг маданий ҳордик чиқариши учун мана шундай маданият масканлари жуда зарур. Лекин афсуски, тайёр жойлардан ҳам унумли фойдаланилмапти. Ҳозирги вақтда маданият бўлимлари балансида сақланиб турган бундай маданият масканларини халқимизга қайтаришнинг аллақачон вақти келган. Фақат бу ишлар қачон амалга оширилиши номаълум бўлиб қолмоқда.

— Кишлоғимиздаги маданият саройи бир пайтлар аҳоли дам олиб, маданий ҳордик чиқарадиган сўлим маскан эди, — дея хотирлайди Богот туманидаги Миришқор кишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Худойёр Омонов. — Бу клуб саҳнасида туриб юртимизнинг машҳур санъат усталари жонли ижрода қўшиқлар қуйлаган, ўзбек шеърини дарғалари ўз ижод намуналарини ўқиган. Дам олиш кунлари оила-

Табиийки, ушбу мулоҳазалар барча худуддаги аҳвол шундай экан, дейишга асос бўлмайди. Жойларда қад ростлаётган кутубхоналар, ўқувчилар қадами аримаётган зиё масканлари йўқ эмас. Аммо тан олайлик, баъзи жойларда маданият уйлари, кишлоқ клубларидан номиниш ҳам қолмаган. Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишларида ёшлар тарбияси, китоб ўқиш, истеъдодларни кашф этиш ҳамда қўллаб-қувватлашга алоҳида ургу бермоқда. Бу эса ҳар биримизни уйғоқликка ундайди, ўз ҳаётимиз учун ўзимиз масъул эканлигимизни англайди, бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишга даъват этади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, Самижон ХУСАНОВ, Аҳад МУҲАММАДИЕВ, Одиббек ОДАМБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

ишлаш заводи тасарруфидagi маданият саройи тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, маданий-маърифий масканга айлантирилганидан худуд аҳли миннатдор. 300 ўринли тадбирлар зали замонавий кўриниш олди. Маданият саройи худудда тез кунларда болалар аттракционлари, шунингдек, кичик деҳқон бозори, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, китоб дўкони, интернет маркази фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

“Янги ҳаёт”нинг янги ҳаёти

Ҳаётбахш дастур яна бир қатор маҳалла хонадонларини ҳам қамраб олган. Хусусан, Тинчлик шаҳарчасида жойлашган “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинининг катта йўл бўйида жойлашган манзилларида ҳақиқий маънода янги ҳаёт бошланмоқда.

Мақсуд йиғин раиси Тоҳиржон Раҳмоновнинг таъкидлашича, дастурга киритилган 257 хонадон, 4 та кўп қаватли уйда яшовчи юрдошларимизнинг талаб ва тақлифлари, мақсадлари яқиндан ўрганилди. Эҳтиёжманд фуқароларнинг хонадонига ширкат ҳамда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалий ёрдам кўрсатилди. Қўллаб уйларда таъмирлаш-қурилиш ишлари бажарилиди. Улкан янгиланишлар Шарқ, Қувурбоси, Беруний, Ёшлик, Ибн Сино, Дўстлик, Навоий ҳамда Ўзбекистон маҳаллаларида ҳам олиб борилаётди.

— Маҳалламизда ўтган йили 57 та кам таъминланган оила рўйхатга олинган эди, — дейди “Қувурбоси” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳабибиддин Саидов. — Тушунтириш ишлари олиб бордик. Томорқадан фойдаланиш тахрибасини оммалаштирдик. На-тижада ҳозирги пайтда кам таъминланган оилалар сони 20 тани ташкил этаяпти, холос. Мақсадимиз — аҳолини имкон қадар боқимандалик қайфиятидан чиқаришдан иборат.

Ана шундай хайрли ишларни, ободончилик тадбирларини бошқа маҳаллаларда ҳам кузатиш мумкин. Умуман, дастур доирасида вилоят бўйича 2864 та уй-жой ва 9,8 километр ички ҳамда ҳўжалиқлараро йўллар таъмирланди. 23 километр узунлиқдаги ичимлик суви тармоғи тортилди. 105,9 километр электр тармоғи янгиланиб, аҳоли хонадонларига 4440 та газ балони етказиб берилди. Бир километр табиий газ тармоғи модернизация қилинди.

Қисқаси, “Обод кишлоқ” дастури асосида, одамларни рози қилиш йўлида ана шундай бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга ошириляпти. Бундан, айниқса, элүүлус хурсанд. Улар кўл қовуштириб ўтирмасдан хайрли ишларга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Бир йўлнинг тушганида, албатта, Қапчуғай, Тинчлик, Полосонга кириб ўтин. Зеро, кундан-кун чирой очаётган ушбу масканни қайта кашф этасиз.

Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ҳасан ПАЙДОНОВ олган сурат.

31 МАЙ — ХАЛҚАРО КАШАНДАЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КУНИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради:

Чекиш умрингизни қисқартиради

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, айни пайтда дунёда 1,5 миллиард киши сигарет чекади. Бу кўрсаткичнинг йилдан-йилга ўсиб бораётгани жаҳонда ўта хавотирли вазиятни юзага келтирмоқда. Аҳвол шу даражага етдики, бутун инсониятга мақсуд иллат келтираётган иқтисодий ҳамда маънавий зарарнинг оқибатлари ва қўламини ҳисоблашнинг имкони йўқ.

Шу боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳамда бошқа кўллаб халқаро ташкилотлар бошчилигида унга қарши кураш олиб борилса-да, кашандаликни батамом бартараф этишнинг имкони бўлмапти. 1988 йилдан бошлаб ҳар йили 31 май — Халқаро кашандаликка қарши кураш куни сифатида кенг нишонлаб келинади. Шу куни бутун дунёда чекишнинг салбий оқибатларини кўрсатиш, башариёт-чи бу иллатдан воз кечишга қақуриш, кашандалик билан боғлиқ хасталикларни қамайтиришга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади.

Кеча ушбу сана муносабати билан “Пойтахт” бизнес марказида мамлакатимизда тамакига қарши курашиш борасида “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мақсуд тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар ҳамда тиббиёт ходимлари қатнашди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар мамлакатимизда халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, айниқса, нафқирон авлод вакилларининг ушбу иллатга

ружу қўйишининг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кенгайтириш борасида сўз юритдилар.

Тадбирда соҳа ходимлари иштирокчиларга тамаки истеъмол қилиш инсон саломатлигига қанчалик хавф солиши ҳақида аниқ мисоллар ва ҳаётий воқеалар асосида маълумот бердилар. Хусусан, унинг тутуни таркибида 4000 дан зиёд зарarli моддалар мавжуд. Кашандалик туйғули ҳар йили жаҳонда деярли 7 миллион киши ҳаётдан бевақт кўз юммоқда. Улардан 900 мингдан ортигини чеқмайдиган, лекин тамаки тутуни таъсири остида заҳарланганлар ташкил этади.

Сўнги тахминий ҳисоб-китобларга кўра, бугунги кунда юртимизда 2,8 миллион нафардан ортик доимий чекувчилар бўлиб, уларнинг яримдан кўпининг ҳаёти хавф остида қолмоқда.

Давра суҳбатиди барчани огоҳликка қақирадиган шу қаб хавотирли далил ва кўрсаткичлар иштирокчиларга ҳавола қилинди. Бу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилиши лозимий алоҳида қайд этилди. Бунга кенг жамоатчиликни ҳам жалб қилиш борасида жур-налистлар билан келишиб олинди.

Юнус БҲРОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

РЕКЛАМА

«Zamin Eko Agro» корхонаси галладан бўшаган майдонларга экиш учун «NS SEME» (Сербия) компаниясида ишлаб чиқарилган сифатли ва серхосил маккажўхори ҳамда кунгабоқар уруғларини тақлиф қилади:

Маккажўхори — NS 205 F1. Эртапишар дурлагай. Вегетация даври — 90 кун. Ҳосилдорлиги — 10 т/га.

Кунгабоқар — Душко F1. Эртапишар дурлагай. Вегетация даври — 80 — 90 кун. Ҳосилдорлиги — 3-4 т/га.

Уруғлар синовдан ўтган, сертификатланган ва Давлат реестрига киритилган.

Муваффақият уруғларини экин...

«ZAMIN EKO AGRO»
Тошкент ш. М-39 автомагистрали,
тел.: (+99897) 130-51-21, 755-02-55,
факс: (+99871) 150-15-89.
www.zea.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Ташхиритта келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг таъкид берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таххиритта компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.20 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6